

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА “САЛОМАТЛИК ЙЎЛАКЧАСИ”НИ ҚЎЛЛАШ

Кенжсаева Ҳилола

ЎзДЖТСУ

“Йил ўқитувчиси 2019” республика кўрик танлови голиби

Аннотация: Жисмоний ривожлантириш, кундалик ҳаракатларда жисмоний фаоллигини ошириш, сенсорик ривожлантириб бориш, интерфаол таълим ва амалиётни уйғун ҳолда ташкил этиш, ёш ва жисмоний имкониятлари даражаси бўйича спорт турларига йўналтириш каби масалалар жаҳон олимлари тадқиқотларининг асосий масаласи сифатида эътибор берилмоқда.

Калит сўзлар: фаол ва соғлом ҳаёт, инновацион ғоя, саломатлик йўлакчаси, профилактик мослама.

Ривожланган давлатларда бола шахсини соғломлаштириш, шунингдек, ҳозирда авж олаётган турли касалликларга бола организмини чидамлилигини ошириш, иммунитет мустаҳкамлигини сақлаш, кам ҳаракатлиликнинг олдини олиш, фаол ва соғлом ҳаёт тартибига риоя қилиш ва таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш, жаҳон амалий-тадқиқотларининг асосий объектига айланган, халқаро таълим майдонида бу борадаги энг жадал тажрибалар сони ва салмоғини оширишни тақозо этмоқда.

Болани жисмоний, ақлий ва руҳий соғлом, баркамол шахс бўлиб вояга етказиши, жисмоний ривожлантириш, кундалик ҳаракатларда жисмоний фаоллигини ошириш, сенсорик ривожлантириб бориш, интерфаол таълим ва амалиётни уйғун ҳолда ташкил этиш, ёш ва жисмоний имкониятлари даражаси бўйича спорт турларига йўналтириш каби масалалар жаҳон олимлари тадқиқотларининг асосий масаласи сифатида эътибор берилмоқда. Бола шахсининг жисмоний тараққий этишига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаш ўз вақтида бартараф этиш каби муҳим педагогик ва ижтимоий масалалар қаторида фаол ҳаракатланишни тарғиб қилиш, кам ҳаракатлиликнинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш, ушбу йўналишнинг энг асосий ва долзарб мезонларидан биридир.

Мактабгача таълим соҳасида инновацион ғоя ва дастурлар асосида таълим тарбия жараёнлари олиб бориш лозим. Қўйида муаллифлик ғояси асосида ихтиро қилинган “Саломатлик йўлакчаси” ҳақида батафсил тўхталинади:

Саломатлик йўлакчаси”нинг вазифаси:

“Саломатлик йўлакчаси” 9-босқичли тамойил асосида олиб бориладиган болаларнинг барча ёши ва вазнга тўғри келади. Қўллашга қулай бўлганлиги учун ундан ҳар қандай жойда: майдонда, залда, хонада, кўчада ва бошқа жойларда йил давомида фойдаланиш мумкин;

Йўлакчанинг табиий воситалардан фойдаланганлиги оёқ терисига мулоим таъсир қилиб, болалар саломтлигини мустаҳкамлашда беминнат ёрдамчига айланади. Унинг рангбаранлиги эса болаларда қизиқиши уйғотиб уларни бу йўлакчадан қайта-қайта ўтиш уларни зериктирмайди;

“Саломатлик йўлакчаси” – профилактик мослама сифатида нафақат тиббий балки, ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Чунки болаликдан чиниқкан организм ҳаёти давомида адаптация жараёнларини осон кечиради.

Ушбу турли шаклларга эга бўлган элементлар, болаларнинг оёқ панжаси юзаларида жойлашган муҳим биологик рецепторларга ижобий таъсир этади;

Маҳаллий ва умумий қон айланиш тизимини яхшилади. Мосламадан очиқ ҳавода куёшнинг ултрабинафша нурлари таъсирида фойдаланиш, мосламанинг ижобий таъсирини ҳар томонлама оширади;

Мосламадаги босқичма – босқич бажариладиган элементларнинг турлилиги, бола оёқ панжасининг ортопедик касалликларида профилактик ва реалибитацыйон фойда беради, ундан ташқари модда алмашинувини фаоллаштиради, боланинг қоматини тўғри ўсишига ҳам ёрдам беради. Тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантиради, болани чаққон ҳамда зийрак бўлишига ёрдам беради.

Кўлланиш соҳаси – ушбу “Саломатлик йўлакчasi” ёрдамида мактабгача таълим тизимида ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларининг машғулот ҳамда машғулотдан ташқари бўш вақтларида ҳам фойдаланишда ижобий самара беради.

Мазкур йўлакча учун фойдаланилган жиҳозлар ҳам табиий тоза безарап маҳсулотлардан фойгаланилган ҳолда тайёрланганлиги сабабли, инсон организми учун ҳеч қандай салбий таъсири йўқлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир.

Саломатлик йўлакчасининг тавсифи:

1). 1-кўк рангли йўлакча, қумли йўлакча ҳисобланади. Мазкур йўлакча учун майда табиий қора қум доначалари танланди. Ҳажми ўртача 0,25-0,5 ммли тозалик жиҳатдан қумнинг бошқа турларидан анча юқори ҳисобланади, шунинг учун инсон организмига ҳеч қандай зарар томонлари аниқланмаган. Мазкур йўлакчамиз болаларнинг оёқда жойлашган асаб тизимида ижобий таъсир этиб, яхши самара кўрсатади.

2). 2-пушти рангли йўлакча, керамзит тошли йўлакча. Керамзит-енгил эрувчан, лойсимон жинсни тоблаб пишириб, олинадиган говаксимон экологик тоза материал. Шағал, тош ёки қум кўринишида тайёрланади. Филтрловчи, иссиқлик ва товуш изоляцияси сифатида ишлатилади. Ҳажмий массаси 150-800 кг/м³, мустаҳкамлиги 0,3-6 МПа, енгил, иссиқ ва совуқдан химоялайди, ёнмайди, музламайди узоқ муддатга чидамли. Мазкур йўлакча кўз нукталарига таъсир этади ва ривожлантиришга ёрдам беради.

3). 3-ҳаворанг йўлакча, болалар учун қизиқарли бўлиши учун гул шаклида ясалиб орасига диаметри 1 мм доира шаклидаги мунчоқлар елимлаб чиқилади. Бамбук ёғоч 100% табиий маҳсулот. Ҳажми 11,3-11,7 см бардошли, нисбатан арzon, енгил, экологик тоза маҳсулот, юқори ҳароратга ҳам чидамли, деформация осон эмас, пишиқ, тозалаш учун ҳам қулай. Мазкур йўлакча болаларнинг асаб толаларини тинчлантиришга ёрдам беради.

4). 4-сариқ рангли йўлакча, майда мунчоқлардан фойдаланиб тайёрланди. Бу йўлакчада майда мунчоқлар бўлиб мунчоқ айланаси 0,5-0,7 смли, пластмасса, силлиқ юзали, ранг-баранг, думалоқ шаклдагилар танланади. Мазкур йўлакча болаларнинг марказий нерв системаси нукталарида ижобий самара кўрсатади.

5). 5-яшил рангли йўлакча, турмалин тошлардан тайёрланган йўлакчамиз ҳисобланаб, табиатан тайёр маҳсулот ҳисобланган турмалин-тошлари 100% табиий хом ашёдир. Бу ярим қимматбаҳо тошларнинг ўзига хослиги, уларнинг жисмоний хусусиятларининг бир вақтнинг ўзида шифобахш таъсири борлиги билан боғлиқ.

6). 6-ҳаворанг рангли йўлакча - сирти силлиқ, ясси 3-5 грамли рангли тошчалардан фойдаланиш орқали чамбарак ичак нукталарига ижобий таъсир кўрсатади.

7). 7-қизил рангли қисми, учун мослашувчан, бардошли силлиқланган ёнғоқ дарахти жуда муносибдир. Чунки ёнғоқ дарахти енгил, эгилувчан, пишиқ бўлади. Ёғоч-бу дарахтдан кесилган табиий материал ҳисобланади. Йўлакча 11 см, диаметри 2,5 смли ярим доира шаклидаги сирти силлиқ ёнғоқ тахтачалардан фойдаланилди. Мазкур йўлакча яссиоёқликни олдини олиш ва даволашда ёрдам беради.

8). 8-сиёҳранг йўлакча, пласмасса қопқоқ ҳамда рангли пишиқ мунчоқли пластик материаллар қаторига кирувчи полиестилентерефталат (ПЕТ)-термопластика, полиестерлар синфининг энг кенг тарқалган вакилидир. Аморф ҳолатда зичлиги (0,85-1,8 г/см³) қаттиқ, рангсиз, шаффоф модда бўлганлиги сабабли, фойдаланишда алохида аҳамият касб этганлиги учун фойдаланилди.

ПЕТ Хусусиятлари: Ёруғлик ва егилувчанлик билан чегараланмайди, сув таъсир қилмайди, диелектрик ҳисобланади бу эса, жисмоний ва истеъмол, фан ва кундалик ҳаётнинг кўплаб соҳаларида ишлатишга имкон беради, 260 даражада эрийди, табиий мухитда ўз – ўзидан парчаланмайди. Шунинг учун болалар саломатлигига ножӯя таъсири йўқлиги учун фойдаланилди. Мазкур айланувчи мунчоқли йўлакча (карусель) болаларда мавжуд энурез касаллигини даволашда ёрдам беради.



1-расм. “Саломталик йўлакчаси”нинг умумий кўриниши.

9) 9-Сарик рангли йўлакча-магнитли йўлакчадир. Анъанавий магнит эфекти билан солиштирганда, унинг роли янада равшанроқ. У инсон танасининг магнит майдонини тўғрилайди ва миянинг қон таъминотини оширади, асаб қўзғалувчанлигини камайтиради ва органларга қон таъминотини оширади, ўпка, талоқ, жигар ва маҳаллий қон таъминоти, тананинг биологик электромагнит энергиясини кучайтириш орқали кўпинча турли касалликларни жисмоний даволаш учун ишлатилади:

1. Асаб тизимининг касалликлари: масалан, уйқусизлик, неврастения, бош оғриғи ва бошқалар.
2. Суяк қўшма мушаклар тизими касалликлари
3. Бошқалар: гипертония, мия қон таъминоти етишмовчилиги, мия инфаркти ва бошқа кўплаб тизимли касалликларда самарали таъсир кўрсатади.

10) 10-Оч яшил рангли йўлакча, ахил пайнини чўзувчи ясси учбурчак тахтачалардан ташкил топган. Тахтачаларни бошланиши 4 см дан аста оширилиб борилади ва 7 см да тугайди. Мазкур йўлакча ахил пайларни чўзишда ва яссиоёқликни даволашда ижобий самара кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Саломатлик йўлакчasi” Муаллфилик лойиҳаси патенти. № 256-12-10. 06.06.2021 йил.